

КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИГА  
СОЛИҚЛАРНИНГ ТАЪСИРИ ТАҲЛИЛИ

Дусияров Шерзод Холмуратович -  
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги  
Фискал институти докторанти

**Аннотация.** Ушбу мақолада, Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар ва бу борадаги илмий-назарий қарашлар ўрганилиб, кичик тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятига солиқларнинг таъсири ва рентабеллик кўрсаткичлари бир неча корхоналар мисолида таҳлил қилинган ва тегишила хулоса ҳамда таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** солиқ, солиқ маъмуриятчилиги, тадбиркорлик, кичик тадбиркорлик, молиявий фаолият, молиявий натижаси, солиқ юки, рентабеллик, ишибилармонлик.

АНАЛИЗ ВЛИЯНИЯ НАЛОГОВ НА ФИНАНСОВЫЕ ПОКАЗАТЕЛИ МАЛОГО БИЗНЕСА

Дусияров Шерзод Холмуратович -  
Докторант Фискальный институт при  
Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются реформы, направленные на развитие деятельности малого бизнеса в Узбекистане и изучены научно-теоретические взгляды в этой сфере, анализируется влияние налогов на финансовую деятельность малого бизнеса и показатели рентабельности на примере нескольких предприятий и разработаны соответствующие выводы и рекомендации.

**Ключевые слова:** налоги, налоговое администрирование, предпринимательство, малый бизнес, финансовая деятельность, финансовый результат, налоговая нагрузка, рентабельность, предпринимательство.

ANALYSIS OF THE IMPACT OF TAXES ON THE FINANCIAL  
PERFORMANCE OF SMALL BUSINESSES

Dusiyarov Sherzod Xolmuratovich -  
Doctoral student of Fiscal institute under the  
state tax committee of the Republic of Uzbekistan

**Abstract.** This article examines the reforms aimed at the development of small business activities in Uzbekistan and studies the scientific and theoretical views in this area, analyzes the impact of taxes on the financial activities of small businesses and profitability indicators using the example of several enterprises, and developed appropriate conclusions and recommendations.

**Keywords:** taxes, tax administration, entrepreneurship, small business, financial activities, financial results, tax burden, profitability, entrepreneurship.

**Кириш.** Сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва бизнесни юритиш учун қулай муҳит яратиш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида - «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Сўнгги беш йилда бу соҳани ривожлантиришга қаратилган 2 мингга яқин қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди»[1] деб таъкидлаганлари долзарб аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомилаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-

сон фармонига мувофиқ умумбелгиланган ва соддалаштирилган режимларда солиқларни тўловчиликлар ўртасидаги солиқ юкини тенг тақсимлаш масаласига эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда 2020 йилдан амалиётга жорий этилган Солиқ кодексига асосан белгиланган меъёрларга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларни солиққа тортиш билан боғлиқ бўлган режимлар ўртасидаги тафовутнинг йўқотилишига эришилди. Яъни корхоналарнинг айланмаси ҳажмига қараб солиқ режимлари белгиланиши уларни солиққа тортиш бўйича адолатлиликни таъминлайди.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг маъмурӣ бошқарув тизими ўрнига тартибга солиши механизми жорий қилиб борилади. Гап шундаки, бу жараёнлар хўжалик субъектларининг ишлаб чиқариш молиявий фаолиятига давлатнинг бевосита аралашувини ўзида мужассамлаштири-

майди. Аксинча, бозор механизмларининг амал қилиши ва бу механизмлар ёрдамида иқтисодий жараёнларни тартибга солиш учун зарурый шарт-шароитларни яратиб бериши керак. Бундай тартибга солиш воситаларидан бири солиқлар ҳисобланади[5].

Турли мамлакатларда, ҳатто бир хил иқтисодий ривожланиш шароитларига эга бўлган мамлакатларда ҳам иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш даражаси турлича. Давлатнинг кўпроқ таъсири Швецияда кузатилади, Германия, Япония ҳамда АҚШда давлат тартибга солиши кам даражада аҳамиятлидир[6]. Бугунги кунда солиқлар иқтисодиётга таъсир кўрсатиш молиявий-иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисми ҳисобланаби, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим дастакларидан бири сифатида юзага чиқади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакат солиқ тизимини яратиш орқали давлат ундан маълум молиявий сиёсий мақсадларда фойдаланишга ҳаракат қиласди.

Замонавий иқтисодиёт ривожига, хусусан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир кўрсатадиган асосий омиллардан бири бу давлатнинг амалдаги солиқ сиёсати ҳисобланади. Солиқ сиёсатини манипуляция қилиб, давлат тадбиркорлик субъектлари фаолияти иқтисодий ривожланишини рағбатлантиради ва ёки уни чеклаб кўяди [7].

Мустақиллик йиллари давомида мамлакатимиз солиқ тизими мураккаб ривожланиш ва тараққиёт йўлини босиб ўтди ва бу борадаги ислохотлар изчил такомиллашиб бормоқда. Жумладан, истиқлоннинг дастлабки йилларида, мамлакатимиз солиқ тизими давлат бюджети тақчилигини камайтириш ва даромад қисмини мустаҳкамлашга йўналтирилиб, корхоналар даромадларига юқори ставкаларда солиқ солиниши белгиланган бўлса, солиқ ислоҳотларининг кейинги босқичларида корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишини рағбатлантириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришга ўтилди.

Бугунги кунга келиб дунёнинг ривожланган мамлакатлари қонунчилиги кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг маҳсус субъектлари деб таснифланмоқда. Бу эса кичик бизнесни солиқка тортишнинг ўзига хос хусусиятлари эса унинг ижтимоий аҳамиятини ва оммавийлигини белгилаш билан бир қаторда, иқтисодий ривожланиш мақсадларини ҳам белгилаб беради. Кичик бизнес субъектларини солиқка тортишнинг муҳим жиҳати бўлиб унинг миқдорий ва сифат мезонлари ҳисобланади. Ушбу мезонларга корхона ишчиларининг сони,

товар айланмаси, активлари ва олинган фойдалари киради [7].

Корхоналарнинг фаолиятига солиқлар ва солиқ юкининг таъсири бўйича профессор И.М.Ниязметов[8] қуйидагича тадқиқ этган. Йирик бизнеснинг солиқ юки кичик бизнеснига нисбатан оғирроқ бўлиши табиий. Буни аксарият давлатлар амалиётида ҳам кўриш мумкин. Бироқ, Ўзбекистондаги каби солиқ юки даражаларида кескин тафовут назарий жиҳатдан ҳам асосланмаган, халқаро амалиётда ҳам кузатилмайдиган ҳолатdir.

Кичик бизнес субъектлари томонидан тўланадиган билвосита солиқлар ҳисобини такомиллаштириш юзасидан профессор К.Р.Хотамов томонидан кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисботи соддалаштирилган шаклда тузилиши ҳамда бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботларнинг такомиллаштирилиши юзасидан тадқиотлар олиб борилган [9].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июнданги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони [3] талаблари доирасида 2019 йил 1 январдан барча тадбиркорлик субъектлари учун мол-мулк солиги, ер солиги ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ жорий этилиши муносабати билан Солиқ кодексига тегишли ўзгартириш киритилиб ягона солиқ тўлови тўловчилари томонидан ресурс солиқларини тўлаш мажбурияти ҳам белгиланди. Ушбу ўзгаришлар натижасида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланадиган солиқларнинг юки умумбелгилangan солиқ тўловчи субъектлар солиқ юки билан мувозанатлаштирилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-714-сон қонуни[4]га асосан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига тегишли қўшимчалар киритилиб Ўзбекистон Республикасининг айrim ҳудудларида солиқ солишининг ўзига хос хусусиятлари белгилаб берилди. Бунда солиқ солишининг алоҳида тартибига эга Ўзбекистон Республикасининг алоҳида ҳудудлари сифатида Фарғона вилоятининг Сўҳ тумани, Риштон туманининг Чўнғара маҳалласи, шунингдек Фарғона туманининг Шоҳимардон, Ёрдон маҳаллалари ва Ҳосилот маҳалласининг Тоштепа — 2 кўчаси эътироф этилади. Ўзбекистон Республикасининг айrim ҳудудларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган солиқ тўловчилар учун қатъий белгилangan миқдорлардаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги ҳар чорақда йигирма беш минг сўм миқдорида тўланади.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу мақолада Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик субъект-

лари фаолиятини ривожлантириш бўйича амалга ошириладётган ислоҳотлар бу борадаги мавжуд муаммолар ўрганилди. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига солиқларнинг сўнгги беш йил давомидаги таъсири, жумладан уларнинг молиявий натижалари, уларга нисбатан солиқ юки кўрсаткичи, уларнинг рентабеллик кўрсаткичлари корхоналар мисолида таҳлил қилинган.

Таҳлил қилинган корхоналар фаолиятига солиқларнинг таъсири ўзгариш тенденциялари инобатга олинган ҳолда таклиф ва мулоҳазалар келтирилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатувчи “INTEGRO” ишлаб чиқариш корхонасининг фаолиятига солиқларнинг таъсирини таҳлил қиласиган бўлсак (1-жадвал).

#### 1-жадвал

##### “INTEGRO” корхонасининг молиявий натижаси таҳлили[10]:

минг.сўмда

№	Кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
1.	Маҳсулот сотишдан соф тушум	даромад	85 470,0	953 252,0	1 816 608,8	2 321 771,7
		маҳсулотта ннархи	12 012,0	350 031,0	820 155,5	1 481 969,6
2.	ялпи фойда	даромад	73 458,0	603 221,0	996 453,3	839 802,1
		харажат	4 319,0	50 243,6	106 599,7	194 990,3
3.	Тўлаган солиқлар		7 769,5	55 666,0	105 481,8	93 624,4
4.	Соф фойда		64 866,0	505 222,4	789 891,9	560 020,7
5.	Солиқ юки %		9,1	5,8	5,8	4,0
6.	Рентабеллик кўрсаткичи %		540,0	144,3	96,3	37,8
						4,0

Юқоридаги 1-жадвал маълумотларини таҳлил қиласиган бўлсак, мазкур корхонанинг молиявий фаолиятига солиқларнинг бевосита таъсирига тўхталинса 2019 йилда 2018 йилдагига нисбатан камайиш, 2020 йилда эса кескин камайиш кузатилган. Корхона томонидан тўланган солиқларнинг маҳсулот сотишдан тушумига нисбати яъни солиқ юкининг ҳолатига эътибор қаратадиган бўлсак, айланмадан олинидиган солиқ (ягона солиқ тўлови) тўланган даврда яъни 2016 йилда солиқ юки 9,1 фоиз, 2017-2018 йилларда бир хил 5,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилдан камайиш кузатилган. Корхона амалга оширган айланмаси миқдоридан келиб чиққан ҳолда 2019 йилдан бошлаб фойда солиғини тўлашга ўтганидан кейин 4,0 фоиз, 2020 йилда эса 1,5 фоиз кўрсаткичга эга. Солиқ юкининг камайиш ҳолатини маҳсулот таннархи учун сарф қилинган маблағлар миқдори ортиши ва бунинг натижасида солиқقا тортиладиган база камайиши билан изоҳлаш мумкин.

Солиқ юкининг камайишига қарамасдан корхона рентабеллик кўрсаткичининг кескин камайиб кетиши ҳолатини маҳсулот таннархининг ортиб кетиши билан асослаш мумкин.

Корхона соф фойдасининг ўзгариши маҳсулот таннархи миқдорининг ўзгаришига номуносиблиги корхона рентабеллигининг номуносиб ўзгаришига олиб келган.

Умумий хулоса сифатида айтиш лозимки 2020 йилдаги кўрсаткичларнинг кескин камайиб кетишини ушбу даврда юзага келган пандемия таъсирида корхона деярли фаолият олиб боролмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

1 ва 2-жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, корхона томонидан тўланган солиқлар 2019-2020 йилларда бир биридан фарқ қилмоқда. Бунинг сабаби корхонанинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот маълумотида фақатгини корхонанинг молиявий фаолиятига бевосита таъсири кўрсатувчи солиқлар келтирилганли яъни ҚҚС инобатга олинмаганлигидадир.

Корхонанинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи маълумотларига асосан 2020 йилда молиявий фаолият бўйича харажатлар яъни фоизлар тарзидағи харажатлар ҳамда валюта курси фарқидан заарлар ҳисобига корхона фаолиятини олдинги йилларга нисбатан салбий фарқ билан якунлаган.

“INTEGRO” корхонаси томонидан Давлат солиқ хизмати органларига тегишли ҳисоботлари тақдим этилган солиқ турларининг таркиби ни кўрадиган бўлсак (2-жадвал).

Жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, корхона томонидан мол-мулк ва ер солиғи тўлови амалга оширилмаган бунинг сабаби корхона фаолиятини ижара асосида амалга оширади. Тўланган солиқлар таркибида ҚҚС корхона фаолиятига бевосита таъсири қиласига билансада билансада яъни нархларнинг ортиб кетишига олиб келади. Корхона томонидан 2020 йилда пандемия бўлишига қарамасдан, ҳаттоқи корхона фаолият юритмаган вақтларида ҳам ишчиларга иш ҳақи ҳисобланган ва даромад солиғи тўланган. 2020 йилда корхона томонидан тўланган ижтимоий солиқ миқдори даромад солиғи миқдоридан кам бўлиши кузатилган ушбу ҳолатни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 июлдаги фармони [2]га иж-

## МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР

тимоий солиқ бўйича ҳисобот шаклларига микрофирмалар ва кичик корхоналар учун унинг

ставкаси 12 %дан 1 %гача камайтирилганлиги билан асослаш мумкин.

### 2-жадвал

#### “INTEGRO” корхонаси томонидан тўланган асосий солиқлар таҳлили [10]

минг.сўмда

№	Солиқ тури	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
	<b>Жами солиқлар</b>	<b>7 769,5</b>	<b>55 666,7</b>	<b>105 481,9</b>	<b>1 424 448,2</b>	<b>240 886,2</b>
1.	Фойда солиги	-	-	-	70 036,6	29 21,9
2.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги	740,0	1 756,0	1741,5	11 733,4	17 511,0
3.	Ижтимоий солиқ (ягона ижтимоий тўлов)	185,0	5 841,0	12 816,2	11 854,4	6 689,0
4.	Айланмадан олинадиган солиқ (ягона солиқ тўлови)	4 273,5	47 721,7	90924,2	-	-
5.	ҚҚС	-	-	-	1 330 823,8	216 686,2
6.	Бошқа солиқлар ва мажбурий тўловлар	2571,0	347,0	-	-	-

Энди савдо фаолиятини амалга оширувчи корхонанинг молиявий натижаси ҳамда ушбу

корхона томонидан тўланган солиқлар таркиби ни таҳлил қиласиз (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### “NIHOL SAVDO” савдо корхонасининг молиявий натижаси таҳлили[11]:

минг.сўмда

№	Кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
1.	Маҳсулот сотишдан соғ тушум	даромад	1023633,1	1153061,0	384487,9	880937,9
		маҳсулотта ннархи	859546,7	960313,0	297184,8	603746,9
2.	ялпи фойда	даромад	164086,4	192748,0	87303,1	277190,9
		харажат	104780,7	133146,0	127913,6	313606,3
3.	Тўлаган солиқлар	57970,2	74608,0	53070,9	96492,8	80857,3
4.	Соф фойда + / зарар -	23237,0	5156,0	-73086,0	-75762,9	-18060,1
5.	Солиқ юки %	5,7	6,5	13,8	11,0	6,3
6.	Рентабеллик кўрсаткичи %	2,7	0,5	-24,6	-12,5	-1,9

Юқоридаги 3-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, таҳлил қилинаётган корхона фаолияти сўнги уч йилда салбий натижа билан якунланган. Корхонанинг молиявий натижасига кўра ялпи харажатлар ортиб кетиши ҳамда со-

лиқ юкининг кўпайиши таъсирида мазкур ҳолат юзага келган.

Энди мазкур савдо корхонаси томонидан тўланган солиқлар таркиби ва улардаги ўзгаришларни таҳлил қиласиз (4-жадвал).

### 4-жадвал

#### “NIHOL SAVDO” корхонаси томонидан тўланган асосий солиқлар[11]

минг.сўмда

№	Солиқ тури	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
	<b>Жами солиқлар</b>	<b>57970,2</b>	<b>74608,0</b>	<b>53070,9</b>	<b>96492,8</b>	<b>84960,9</b>
1.	Фойда солиги	-	-	-	-	45883,4
2.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги	3786,8	5757,0	4075,3	8848,5	11965,3
3.	Ижтимоий солиқ (ягона ижтимоий тўлов)	7276,5	14563,0	10975,7	8387,7	4752,3
4.	Айланмадан олинадиган солиқ (ягона солиқ тўлови)	43268,7	54288,0	32541,3	37609,7	-
5.	ҚҚС	-	-	-	-	4103,6
	Ер солиги	-	-	4136,4	19825,8	7658,7
	Мол-мулк солиги	-	-	1327,5	21041,8	7596,7
	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	-	-	14,7	779,3	3000,9
6.	Бошқа солиқлар ва мажбурий тўловлар	3638,2	-	-	-	-

Юқоридаги 4-жадвал маълумотларида эътибор қаратадиган бўлсан, корхона 2020 йилгача бўлган даврда ҚҚС ва Фойда солигини тўлашга ўтмаган. Бунинг асосий сабаби корхона

томонидан амалга оширилган савдо айланмаси ҳажми билан боғлиқ ҳисобланади.

Корхона томонидан асосий солиқлар яъни мол-мулк, ер ва сув ресурсларидан фойдалан-

ганлик учун солиқлар 2018 йилдан бошлаб тү-ланган. Ушбу ҳолатни корхона 2018 йилгача бўлган даврда фаолиятими ижара асосида амалга оширганлиги билан изоҳлаш мумкин.

**Хулоса ва таклифлар.** Кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий фаолиятига солиқлар таъсирини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосалар, таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Мамлакатимизда сўнгги йилларда бизнес юритиш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва кафолатларини мустаҳкамлаш, давлат томонидан қўллаб-куватлашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар ушбу фаолият субъектлари фаолиятими ривожлантиришга хизмат қиласди.

2. Янги тараққиёт стратегиясига мувофиқ, тадбиркорликни ривожлантириш ва қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, солиқ юкини камайтириш, солиқ маъмуриятчилиги шаффоғлигини ошириш ва қўшимча солиқ базасини кенгайтириш орқали солиқ тушумларини ошириш мамлакат солиқ сиёсатининг асосий вазифаси бўлиши лозим.

3. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан амалга оширилган айланма ҳажми инобатга олинниб солиққа тортиш режимларини белгилаш ушбу субъектлар томонидан солиққа тортиладиган айланма миқдорини камайтириб қўрсатишга ундаши мумкин. Ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда корхоналар томонидан ай-

ланма миқдорини камайтириб қўрсатиш ҳоллари аниқланган тақдирда жавобгарлик чораларини кучайтириш бу бўйича қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ;

4. Микрофирма ва кичик корхоналар янги иш ўрнинлари яратиб Республика ўқув юртлари битирувчиларини иш билан таъминласа, янги ходимларга (битирувчиларга) бериладиган иш ҳақи суммаси миқдорида, ижтимоий солиқ базасини 50 %дан ошмаган миқдорда белгилаган муддатга (12 ойгача) солиқ базасини камайтириш ҳуқуқи берилиши мақсадга мувофиқдир.

5. Қишлоқ ахолиси даромалилик даражасини ошириш ҳамда ишчилар қўлига «конверт» асосида иш ҳақи тўлашнинг олдини олиш мақсадида қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари тўлайдиган ижтимоий солиқ ставкасини мумкин қадар пасайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Фақат ушбу имтиёзни ижтимоий солиқ ставкасини пасайтириш эвазига юзага келадиган қўшимча маблағни ишловчиларнинг иш ҳақини оширишга йўналтириш шарти билан берилиши лозим. Бу эса қишлоқ ҳўжалик ишларида меҳнат сифими юқориличигини ҳисобга олган ҳолда ушбу тармоқда ишловчиларнинг меҳнат ҳақини ошириш орқали рағбатлантириш имкониятларини беради.

Юқоридаги хулоса ва таклифларнинг амалиётда қўлланиши натижасида мамлакатимизда глобал иқтисодий инқироз ва пандемия шароитида бизнесга ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва тадбиркорлик субъектларини солиқлар орқали қўллаб-куватлашга хизмат қиласди.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 августдаги тадбиркорлар билан очиқ мулоқотидаги маъруzasи.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 июлдаги "Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлаша ва коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш тўғрисида"ги ПФ-6029-сон фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини тақомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодексига ўзгартиши ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-714-сон қонуни.
5. Юлдашев С.Н., Азимова Ф.П. бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда солиқ сиёсати тажрибаси. Иқтисод ва молия / Экономика и финанссы 2017, № 6. 32 б.
6. Князев В.Г. Тенденции развития налоговых систем зарубежных стран. // «Налоговый вестник», 1998, № 9. -С. 5-8.
7. Тўқсонов Қ.Н. "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятими солиққа тортишида хорижий тажрибалардан фойдаланиш истиқболлари" номли илмий мақола. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. № 6, ноябр-декабр, 2020 йил.
8. Ниязметов И.М."Солиққа тортиши механизmlарини орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш" Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. 18-бет. 2018 йил.
9. Хотамов К.Р."Билвосита солиқлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини тақомиллаштириш" мавзусида иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. 30-б.
10. "INTEGRO" корхонаси томонидан Давлат солиқ хизмати органига тақдим этилган ҳисобот маълумотлари.
11. "NIHOL SAVDO" корхонаси томонидан Давлат солиқ хизмати органига тақдим этилган ҳисобот маълумотлари.